

ҚҰЙ ВА ҚЎЗИЛАР ДИПЛОКОККОЗИ

Абдалимов С., Элмуродов Б.

Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институти, Самарканд, Ўзбекистон.

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида чорвачилик асосий соҳалардан бири ҳисобланади. Пекин шу соҳанинг бундан ҳам ривожланиши, рентабеллигининг ошишига, мол бош сонининг кўпайишига бир қатор муаммолар қаторида ҳайвонларнинг касалликлари ҳам жуда катта тўсқинлик қилмоқда. Ушбу касалликлар орасида юқумли бактериал касалликлар катта аҳамиятга эга. Чунки, юқумли бактериал касалликларда касалланиш ва ўлиш даражаси юқори, касаллик жуда оз вақтда кенг территорияга тарқалади, олдини олиш ва даволаш каби тадбирларга кўплаб маблағ сарфланади. Шунинг учун чорвачилик хўжаликларида бактериал касалликларнинг тарқалиши ва эпизоотологиясини ўрганиш, олдини олиш ва даволаш воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотларимизга кўра, бозор иқтисодиётидаги турли бошқарув тизимларига (фермер, хусусий, ширкат ва ҳ.к.) асосланган республика чорвачилик хўжаликларида диплококкоз касаллиги кўплаб учрамоқда ва ҳайвонлар алмашинуvinинг тезкорлиги (бозорлар) туфайли кенг тарқалиш хавфини юзага келтирмоқда. Ушбу касаллиқнинг эпизоотологияси, этиологияси, кечиши кўплаб олимлар томонидан ёритилган бўлса ҳам () даволаш ва махсус олдини олиш ҳақида маълумотлар жуда кам.

Диплококкоз - қишлоқ хўжалик ва ёввойи ҳайвонларнинг юқумли бактериал касаллигидир (қўзғатувчиси *Streptococcus pneumoniae* (*Diplococcus lanceolatum*)). Касаллик ўпканинг яллиғланиши, сепсис, артрит, ичакларнинг яллиғланиши, лимфа тизимининг жароҳатланиши билан кечади. Ёш ҳайвонларда ўта ўткир, ўткир ва ярим ўткир шаклларда кечиб уларнинг ўлимига сабабчи бўлади. Катта ёшли ҳайвонларда асосан сурункали, баъзан, ўткир шаклларда кечиб эндометрит, аборт, артрит, мастит касалликларининг ривожланишига сабабчи бўлади (Чепуров К.П., 1963; Махматкулов М.А., Ибадуллаев Ф.И., Элмуродов Б.А, 2001).

Қўзилар орасида диплококкоз билан касалланган ҳайвонларнинг ўлиш даражаси 20-75 % ни ташкил этади. Касал ҳайвонларни даволаш ва касалликка қарши курашиш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Касалланиб тузалган ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан ортда қолади ҳамда диплококк ташувчи бўлиб қолади (Сытдиқов А.К., Бурлуцкий И.Д., 1990; Махматкулов М.А., Ибадуллаев Ф.И., Элмуродов Б.А. 2001).

Ҳозирги вақтгача республикада диплококкозга қарши курашиш воситалари (вакцина, гипериммун қон зардобии ва ҳ.к.) ишлаб чиқилмаган. Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган диплококкозга қарши биопрепаратларни қўллаш учун кўп вақт ва валюта сарфланиши лозим. Шунинг учун долзарб муаммолардан бири ушбу касалликка қарши биопрепарат ишлаб чиқаришдир.

Тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари.

Бизнинг мақсадимиз республика чорвачилик хўжаликларида диплококкоз касаллигининг тарқалишини ўрганиш ҳамда маҳаллий диплококк штаммларидан фойдаланган ҳолда қўй ва қўзилар диплококкоз касаллигининг олдини олиш учун биопрепаратлар яратиш.

Тадқиқотлар материаллари ва услублари.

Диплококкоз касаллигининг тарқалишини ўрганиш тадқиқотлари А.А. Конопаткин (1984) бўйича олиб борилди. Ҳайвонлардан олинган патологик намуналарни бактериологик текшириш умум тан олинган услубларда олиб борилди ва идентификация қилинди. г.

Тадқиқотлар натижалари.

Ўзбекистонда диплококкоз касаллиги Наманган, Андижон, Сирдарё, Самарканд, Фарғона, Навоий вилоятлари чорвачилик хўжаликларида бузоқ ва қўзилар орасида учрамоқда.

Диплококкоз Самарканд вилояти Нуробод тумани («Ўзбекистон» ва «Каттақўрғон» ш/х) чорвачилик хўжаликларида 5-10 кунлик ёш қўзилар ва катта совлиқлар орасида тарқалганлиги кузатилди. Ушбу касаллик септицемия, ўпканинг жароштанлиши, бўғимлар шиши белгилари билан намоён бўлди ва келтирилган патматериаллар бактериология текширилганда оқ сичқонлар учун патоген диплококклар ажратилди. Диплококкозда касалланиш даражаси 3,1-9,6% ни, касал ҳайвонлар сонидан ўлим даражаси 29,1-36,2% ни ташкил этди.

Қўйлар диплококкозига қарши ГОА формол вакцинанинг иммуногенлик хусусиятларини хўжалик шароитида қўзиларда ўрганиш тадқиқотлари бўйича вакцинанинг экспериментал № 1 серияси тайёрланди. Ушбу вакцина стериллик, зарарсизлик ва иммуногенлик хусусиятлари бўйича лаборатория шароитида давлат назоратидан ўтказилди. Диплококкозга қарши ГОА формол вакцинанинг тажриба серияси Самарканд вилояти Нуробод туманида («Каттақўрғон» ш/х) қўзиларда хўжалик шароитида синовдан ўтказилди. Ушбу вакцина носоғлом отарларда 315 бош қўзига I-март 2 мл, II-март 3 мл дан тери остига эмланди, шунингдек 2- бўлимда 200 бош қўзи назорат сифатида қолдирилди (эмланмади). Антителолар титри вакцинациядан кейин 120 кунда 1: 720 ни ташкил этди. 4 ойлик кузатиш муддати давомида отардаги қўзилар орасида диплококкоз билан касалланиш ҳодисаси кузатилмади.

Хулоса.

Ўзбекистон Республикаси чорвачилик хўжаликларида диплококкоз учраб турмоқда ва унда касалланиш даражаси 3,1-9,6% ни, ўлим даражаси 29,1-36,2% ни ташкил этди. Маҳаллий штаммлар асосида тайёрланган диплококкозга қарши экспериментал вакцина иммуногенлик хусусиятига эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Чепуров К.П. "Диплококковые и стрептококковые заболевания животных". Киев - 1963, - 160 с.
2. Конопаткин А.А.. Эпизоотология и инфекционные болезни сельскохозяйственных животных. М., 1984.
3. Сытдинов А.К., Бурлуцкий И.Д., Болезни молодняка. Справочник, - Ташкент: Мехнат, 1990. - С. 139.
4. Махматкулов М.А, Ибадуллаев Ф.И., Элмуродов Б.А., қўйлар экспериментал диплококкозида кузатилган патоморфологик ызгаришлар. ЎЗВИТИ 75 йиллигига бағишланган халқаро илмий конф, маърузалар матнининг туплами. Самарканд.-2001, 97-98 бетлар.

SUMMARY DIPLOKOKKOSIS OF THE SHEEP AND LAMBS

Abdalimov S.H., Elmurodov B.A.

Uzbek scientific research institute of veterinary

Diplokokkoz wide-spread ambience lambs in breeding farm Republics Uzbekistan. Persisting time to diseases Diplokokkosis diseases 3,1-9,6 %, death-rate 29,1-36 %. The Local strain is prepared vaccine our experience was immunogenic.

УДК 619:616,9

ОБ ОРГАНИЗАЦИИ ПРОВЕДЕНИЯ МОНИТОРИНГОВ БОЛЕЗНЕЙ ЖИВОТНЫХ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ экономики

Абдул ал иев Г. Г.

*Министерство Сельского Хозяйство Азербайджанской Республики,
Баку, Азербайджан*